

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
ҚЎЛЛАНИЛИШИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил
24 августдаги 603-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди.**

Тузувчи:	ТДПУ, б.ф.н., доц., Ў.Э. Хўжаназаров
Тақризчи:	Byoung Ryong Jeong Professor and Doctor of Philosophy in Horticulture Department of Horticulture Gyeongsang National University Republic of Korea

**Ўқув -услубий мажмуа ЎзМунинг Кенгашининг 2017 йил _____ даги ___-
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	13
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	47
V. АССИСМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	51
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	55
VII. ГЛОССАРИЙ	56
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	57

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши” модулининг мақсади:

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини амалий ва табиий фанлар, шунингдек фан ва техника, иқтисодиётнинг сўнгги ютуқларини ахборот - коммуникация технологиялари билимлари билан биргаликда бутун экологик билимларни экспериментлар орқали характерлаб, замонавий экологик фаолият компьютер технологиялари орқали таҳлил қилиб берилади. Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, экологик муаммоларни келиб чиқиш сабабларини 2 D ва 3 D ўлчамли виртуал сабоқлар билан умумий экологиява табиатни муҳофаза қилиш мавзуларини молекуляр даража, хужайрадан тўқимагача бўлган жараёнлар, органлар ва

тизимлар, организмлар, популяция ва экологиягача бўлган мураккаблик даражалари бўйича таҳлил қилиш тўғрисида керакли билимлар берилади.

Модулнинг вазифалари:

“Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши” фанини ўқитишининг вазифаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ҳозирги замон экологиясидаги муаммолар ҳамда уларга чегарадош бўлган фанлар ютуқларига асосланган ҳолда популяциялар ва экотизимлар экологиясидаги янги технологик жараёнларни олдиндан башорат қилиш ва амалий ҳал қилиш масалалари экспериментал равишда таҳлил қилиш ва билимлар беришдан иборатдир. Ҳозирги кунда бу соҳани жадал суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига экологик тадқиқот натижаларини компьютер технологиялари орқали ёндошув ва амалий фойдаланиш йўлларини очиб бериш замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни экология ва турдош фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мовофиқлиги билан ажратиб туради.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

Мультимедиа компонентлари; мультимедианинг бажарилиш шартлари, мультимедианинг дастурий таъминоти; мультимедиа компонентларини солишиши, мультимедианинг қўлланилиши, видео конференция технологиялари, медиа соҳалари, рақамли аудио, аудио файллари, файлларни сақлаш усуллари; аудио ва видеони таҳрирлаш; мультимидали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарслклар)дан фойдаланиш, электрон таълим ресурслари, масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари ва уларни экология соҳасига қўллаш ўрни ҳақида билимларга эга бўлиши;

Тингловчи:

муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш, масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асосларидан фойдаланиш; LMS тизимларининг асосий функцияларини қўллаш; Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ

ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш; Оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware)ларни қўллаш ва компьютер билимлари ва информацион технологиянинг экологик жараёнларни ўрганишдаги ўрни, моделлаштириш кўникма ва малакаларини эгаллаши;

Тингловчи:

экология фанлари буйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим тизимлари имкониятларидан, интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очик онлайн курсларидан фойдалана олиш ва экологик билимларни ахборот – коммуникация технологиялари асосида уйғунлаштириш компетенцияларини эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўллаилиши” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Экология фанини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларининг қўллаилиши” фанини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари кимё ва физика, математика, ахборот коммуникацион технологиялари, биологиядан: микробиология ва вирусология, генетика, молекуляр биология, биохимия, биофизика, физиология, ботаника ва зоология ва биоинформатика ҳакида тушунчаларга эга бўлишлари керак.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий экологиядаги илмий тадқиқот натижаларини ахборот-коммуникация технологиялари орқали ёритиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Экологияда ахборот-коммуникация технологияларини
қўлланилиши**

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	жумладан					
				Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1	Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари	6	4	2	2			2	
2	Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати	6	4	2	2			2	
	Жами	12	8	4	4			4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари

Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари. Экологик фанлари соҳасида тизимли таҳлил. Экологик тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Тизимли таҳлилни амалга оширишда экология фанининг хусусий методлари. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси. Экология соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил.

2-мавзу: Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати.

Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда экологик электрон таълим ресурсларини яратиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари

Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, «меню» методи.

Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари. Экологик фанлари соҳасида тизимли таҳлил. Экологик тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Тизимли таҳлилни амалга оширишда экология фанининг хусусий методлари. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Эмпирик илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш технологияси. Экология соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил.

2-амалий машғулот:

Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати

Янги педагогик технология: “ақлий ҳужум”, “меню”, “дебатлар” методи.

Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда экологик электрон таълим ресурсларини яратиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий хужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максималь балл-**1 балл**.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида кўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
 - ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
 - белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
 - ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида кўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:


Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Давра сұхбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



Белгилар:
1-таълим оловчилар
2-айлана стол

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Экологик ахборот коммуникация технологияларининг таснифи, турлари

РЕЖА:

1. Мультимедиа тушунчаси таснифи.
2. Мультимедианинг техник – дастурий воситалари.
3. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш.

Таянч сўзлар: Мультимедиа, техник таъминот, дастурий таъминот, компонентларни солиштириш, мультимедианинг қўлланилиши.

1.1. Мультимедиа тушунчаси таснифи

Мултимедия тушунчаси 90 йиллар бошида ҳаётимизга кириб келди. Унинг ўзи нима деган савол туғилади? Кўпгина мутахасислар бу атамани турлича таҳлил килишмоқда. Мултимедиа бу информатиканинг дастурий ва техниковий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эфектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришни мужассамланган ҳолдаги кўринишидир. Мултимедиа (мультимедиа - кўп мухитлилик) – бу компьютер технологиясинингтурли хил физик кўринишига эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва х.к.) ва турли хил ташувчиларда мавжуд бўлган (магнит ва оптик дисклар, аудио- ва видео-ленталар ва х.к.) ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир. Мултимедиа фойдаланувчига фантастик(виртуал ҳақиқий) дунёни яратишда жуда ажойиб имкониятларни яратиб беради,

бунда фойдаланувчи чеккадаги суст кузатувчи ролини бажармасдан, балки у ерда авж олаётган ходисаларда фаол иштирок етади; шу билан бирга мулоқат фойдаланувчи учун одатланган тилда - биринчи навбатда товушли ва видеообразлар тилида бўлиб ўтади. Мультимедиа - компьютерда ахборотнинг турли хил кўринишлари: рангли графика, матн ва графикда динамик эфектлар, овозларнинг чиқиши ва синтезланган мусикалар, анимация, шунингдек тўлақонли видеоклиплар, хатто видеофильмлар билан ишлашдир.

Мультимедиа



Мультимедиа – бу замонавий компьютерли ахборот технологиялари бўлиб, матн, товуш, видеотасвир, график тасвир ва анимацияни (мультиплекацияни) яхлит компьютер тизимига бирлаштириш имконини яратади. Мультимедиа амалиётдаги иш тартиби – бу аппарат-дастурний мухит бўлиб, компьютерга ахборотни киритиш, ишлов бериш, сақлаш,

узатиш ва матн, чизмалар, видеотасвир, товуш ҳамда нутқларни инсонга зарур ва қулай ҳолатда етказишидир.¹

Биринчидан – фойдаланувчига албатта интерфаолликни тақдим этадиган, яъни инсон ва компьютер ўртасида буйруқлар ва жавоблар алмашинувини таъминлаб, диалог мухитини яратадиган дастурий маҳсулот. Иккинчидан, турли видео ва аудио эфектлар ишлатиладиган мухит. У томошабинга ўзича у ёки бу иловани танлаш имконини берувчи видеофильмни эслатади. Мультимедиа маҳсулоти – таркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар базалари ва бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотdir.

Мультимедиа технологияси ахборотни бир вақтнинг ўзида инсонга тушунарли, кўп шакллар (жумладан, нутқ, расм, чизма, тасвир, мусиқа, ракам ва ҳарфлар) комбинациясида хавола қила олади. Бу технология ахборотни қидириш, нусха олиш ва бошқа бирор компьютерга кўрсатилган шаклда, кўчириб ўтказа олади ҳамда уларнинг ҳоҳлаган комбинациясини яратади. Ундан ташқари мультимедиа технологиясидан фойдаланувчи ўзи дизайн билан шуғуллана олишига имкон беради, шунингдек статик (ҳаракатсиз) ва динамик (ҳаракатланувчи) тасвирларни яратиши ҳамда ўз ижодий ишининг натижаларини алоқа каналлари орқали ташқи мухитга тарқатиши мумкин.

Мультимедиа тизимларининг жадаллик билан ривожланишига шахсий компьютерларнинг имкониятларини кенгайганлиги ва техник, дастурий воситаларининг ривожланиши сабаб бўлди. Охирги йилларда компьютернинг тезлиги ва хотира қурилмаларнинг сифими кескин ошди, шунингдек график имкониятлари кенгайиб, ташқи хотира қурилмаларининг

¹ Tay Vaughan. Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/p.15

техник кўрсатгичлари яхшиланди. Мультимедиа технологияларининг ривожланишига видеотехника йўналиши, лазер дисклар, шунингдек ёзиш техникасининг ҳамда товуш ва тасвирни хосил қилиш технологияларининг ривожланиши катта хисса қўшди. Ахборотларни хотирада ихчам (зич) жойлаш ва сақлаш мақсадида тез ва самарали ўзгартириш усулларини яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

1.2. Мультимедианинг техник – дастурий воситалари

Мультимедиа воситалари- бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган турли-туман мухитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимация ва бошқаларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.²

Мультимедиа тизимининг дастурний мухитини ҳам иккига бўлиш мумкин: амалий ва ихтисослаштирилган. Амалий дастурлар фойдаланилаётган ёки лойиҳалаштирилган амалий дастурлар. Ихтисослаштирилган дастурларга мультимедиа иловаларини яратувчи дастурний воситалар киради. Бу тоифадаги дастурларга график муҳаррир, видеотасвир муҳаррири, товушли ахборотни хосил қилиш ва муҳаррирлаш воситалари киради.

1.3. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш.

Жаҳон миқёсида назар соладиган бўлсак компьютер графикаси ва дизайн жуда ҳам кенг даражада ривожланган. Уларни амалда анчадан буён

² Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologies in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.

кўллаб келишмоқда. Лекин бу яратилаётган барча дастурлар, роликлар, дизайнларнинг асосий қисми кинофильмлар, мультфильмлар, веб-сайтлар учун яратилмоқда. Махсус сайтларда фанларга мавзулаштирилган мультимедиали дарсликларнинг камлиги, борларини ҳам аниқ бир фанни мавзуларини тўла ёритиб бера олмаслиги таълим соҳасига янада қўпроқ эътибор бериш лозимлигини эътироф этади. Лекин электрон дарсликлар ичига киритилган матнли ёзувлар, расмлардан ҳозирда графиканинг энг замонавий йўналиши бўлган роликларнинг яратилиши сайтларга ва шунга тегишли бўлган нарсаларга қизиқишни оширади. Тўгри бу соҳада қўп ишлар амалга оширилган. Дарсларнинг мультимедиа имкониятларидан фойдалантиб ўтилиши ўқитувчиларга бир қанча қулайликлар туғдиради. Чунки, шу фанга мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (презентациялар), мультиплексия кўринишида яратилган фильмлар, анимациялар бир томондан ўқитувчи учун янгиллик бўлса, иккинчи томондан таълим олувчилар учун қизиқарли ва диққатини ўзига жалб қиласди. Ва мавзуни яхши ўзлаштирилишига туртки бўлади.

Мультимедиа технологияларининг афзалликлари ва алоҳида хусусиятларини санаб ўтамиш:

- турли хил кўринишдаги катта хажмдаги ахборотларни битта дискда сақлаш имконияти мавжуд (бир неча бобли матнларни, минглаб юқори сифатли тасвирларни бир неча соатли фильм ва роликларни ҳамда товушли ахборотларни);
- сифати сақланган ҳолда экранда тасвирларни қисмларга ажратиш ёки уларни энг қизиқ ҳамда керакли қисмларини катталатиш имкони мавжуд;
- графиклар, тасвир ва расмларни қиёсий тахлил қилиш, уларнинг кўрсатгичларини хисоблаш, илмий ёки ўрганиш мақсадида дастурий воситалар ёрдамида ишлов бериш имконияти;

- тасвир ёки тасвирни ёритиш мақсадида фойдаланилган матн ҳамда бошқа күрсатилаётган ахборотдан калит сўзларни ёки тасвирни керакли қисмини маълумот олиш ҳамда тушунтиришга керакли ахборотни ажратиб олиш имкониятлари мавжуд;
- статик ёки динамик тасвирга монанд узлуксиз мусиқа ҳамда бошқа аудио таъминотини олиб бориш бор;
- «стоп-кадр» (кадрни тўхтатиш) иш тартибидан фойдаланиб видеоёзув лавхасидан фойдаланиш имконияти;
- глобал Internet тармоғига ҳамда уланиш унинг ресурсларидан ва фойдаланувчиларидан фойдаланиш мақсадида имконияти мавжуд;
- график ва товуш редакторлари, картографик ахборот ва матнларга ишлов бера оладиган шахсий амалий дастурлар билан ишлаш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган афзаллик ва хусусиятлардан ташқари яна кўпгина имкониятлари мавжуддир, жумладан, тасвирни яхлит ёки бир қисмини автоматик равишда кўриш, танланган жойини сақлаб қолиш ва белгилаб қўйишилардир.³

Мультимедиа тизимларини пайдо бўлиши ахборот технологияларини ривожланишига ва илм-фанда, таълимда, савдода (бизнесда) тиббиётда кенг қўламда тадбиқ этилишига туртки бўлди.

АТларининг мультимедиа воситалари ўкув жараёнида қуидаги энг муҳим жихатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

- дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил қилиши;
- ўқиш жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши;
- ўзини-ўзи назорат қилиш ва тузатиб бориши;
- ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;

³ Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.

- фан мавзуларида анимация, графика, мультипликация, овоз каби компьютер ва ахборот технологиялардан фойдаланиши;
- ўқувчи – талабаларга фанни ўзлаштириш учун стратегик кўникмалар ҳосил қилиши ва ҳоказо.

Шунингдек, мультимедиа воситаларининг амалий томони, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш ва келгусида таълим тизимида ўқув жараёни учун маълумотлар базасини ва анимацион тақдимотлар яратишдек муҳим вазифани амалга оширишга замин ҳозирлайди. Мультимедиа - гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуидагилар киради:

- ахборотнинг хилма-хил турлари: анъанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқалар), турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялайди. Бундай интеграция ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари;
- муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш кобилияти оператив ва видео-хотира, катта сиғимли ташқи хотира, ҳажм ва компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви тезлигини тахминан икки баровар оширилиши талаб этилади;
- “инсон-компьютер” интерактив мулоқотнинг янги даражаси, бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики, мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради;

- мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайерлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Ривожланган мамлакатлаврда ўқитишининг усули ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича тадбиқ қилинмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитишикки баробар унумли ва вақтдан ютиш мумкун. Мультимедиа воситалари асосида билим олишда 30% гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар ўқувчилар берилаётган материалларни кўриш асосида қабул қиласа, ахборотни хотирада саклаш 25-30% ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишда мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб колиш 75% ортади. Бунга биз мультимедиа воситалари асосида чет тилларни ўрганиш жараёнида яна бир бор ишонч хосил қилдик Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиши куйидаги афзалликларга эга:

- берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имконияти борлиги;
- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;
- таълим олиш вақтининг қисқариш натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;
- олинган билимлар киши хотирасида узоқ сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиши жараёнида аниқ фанни компьютер асосида тўлиқ ўқитиши, маъруза матнларини тахрирлаш, талабалар топширган назорат натижаларининг тахлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчи-талабалар ахборот технологияларини

мультимедиа воситалари асосида анимация элементларини дарс жараёнида кўриши, эшлиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади. Сифатли мультимедиа иловалари ишлаб чиқишга йўналтирилган турлитуман, бир биридан фарқли технологик усуллар мавжуд.

Мультимедиа иловалари қуидагиларга бўлинади:

Тақдимот/презентациялар(инг. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер анимацияси, графика, видео, мусиқа ва товушни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурага эга бўлади.

Анимацион роликлар. Анимация – мультимидали технология; тасвирнинг ҳаракатланаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетма-кет намойиши. Тасвир ҳаракатини тасвирлаш эффекти секундига 16 та кадрдан ортиқ видеокадрларнинг алмасинишида ҳосил бўлади.

Ўйинлар. Ўйин дам олиш, кўнгил очиш еҳтиёжларини қондириш, организмдаги зўриқишини йўқотиш ҳамда маълум малака ва кўнилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган мультимедиа иловалариданdir.

Видеоливалар – ҳаракатланувчи тасвирлар ишлаб чиқиш технологияси ва намойиши. Видео тасвирларни ўқиш қурилмалари – видеофильмларни бошқарувчи дастурлар.

Мультимедиа-галереялар. Галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

Аудиоливалар. Товушли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар. Рақамли товуш – бу электрик сигнал амплитудасининг дискрет сонлар билан ифодаланиши.

Web учун иловалар – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий

қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.

Назорат саволлари:

1. Мультимедианинг техник – дастурй воситаларини айтиб беринг.
2. Тасвирларни яратувчи ва улар билан ишловчи воситаларни санаб беринг.
3. Овоз ёзиш ва овоз таҳрирлаш воситаларини санаб беринг.
4. Видео ёзиш ва видео таҳрирлаш воситаларини ишлаш принципини айтиб беринг.
5. Маълумот ташувчи восиларларни санаб беринг.
6. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишни изоҳлаб беринг.
7. Мультимедиа иловалари қандай турларга бўлинади.
8. Ижтимоий медиа тушунчасига таъриф беринг.
9. Ижтимоий медиа тармоқларни таълим жараёнида қўллаш қандай афзалликларни беради?
10. Ижтимоий медиа тармоқларни қўллашнинг қандай хавфли тарафлари мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologies in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.
2. Tay Vaughan.Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/p.15

2-мавзу: Экология фанини ёритилишида ахборот-коммуникация технологиялари асосида масмедиа хизмати

РЕЖА:

- 2.1. Экология фанини ўқитишдаги инновациялар.
- 2.2. Экология фанини ўқитишда интерактив мультимедиа воситалари.
- 2.3. *iSpring Ques maker* дастури орқали ностандарт тестлар тузии

Таянч сўзлар: инновация, электроник манба, модель, *iSpring Ques maker*, замонавий ёндошув, ҳисоблаш, симуляция, динамик ёндошув, интерактив, моделлаштириши.

2.1. Экология фанини ўқитишдаги инновациялар.

Ўзбекисон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва таълим тизимида инновацион ривожланишни йўлга қўйиш долзарблиги ҳақида гапиран эканлар «Инсон шахси унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймокда» деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Юксак маънавиятли, ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган инсонлар, яъни юқори малакали юқорида айтиб ўтилган сўзларни амалда қўллаб, мамлакатимизда ислоҳ қилинаётган таълим тизимиини илғор равишда йўлга қўядилар ва қолаверса, Президентимиз ишончини оқлаб келмокдалар. Шу сабабли инновацион ривожланиш бу - барқарор ривожланиш омили.

Рақобатбардош кадрлар етиштириш давримизнинг долзарб масаласига айланган. Жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётининг самарадорлигини ва

ҳаётийлигини тасдиқлайди. Шуниси эътиборлики, Кадрлар таёrlаш миллий моделидаги ишлаб чиқариш категорияси тушунчаси- ишлаб чиқаришни кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек уларнинг таёргарлик сифати савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буортмачи, кадрлар таёrlаш тизимини молиявий ва моддий техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси сифатида намоён бўлади.

Кадрларнинг юқори малакали бўлиши, ижодкорлигининг ортиши илмий- инновацион фаолият туфайлигина амалга ошади. Агар улар ўз гоялари, илмий йўналишларини амалга оширишлари учун, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, бозорбоп маҳсулот чиқариб, ёки хизмат кўрсатиб ўз тижорат ишларини юргизсалар, бу жараёнда ёш мутахассисларни, талabalарини жалб қилсалар, унумли ва самарали натижаларига эришиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ўқув жараёни, илмий ва ишлаб чиқариш муҳитининг интеграцияси сифатида интеллектуал меҳнат орқали ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини беради. Шунинг учун мумкин қадар ақлий меҳнатини молиялаштиришга ўрганиш, юксалиш тартибиға ўтиш замон талабига айланмоқда.

XXI аср “Биология” асли деб юритилиши бежиз эмас, чунки бу ерда инсоният ҳаётининг асосий жараёнлари ва компонентлари асосидаги ютуқлар гавдаланади. Биология соҳаларида қанча ютуқлар ва кашфиётларга эришилмасин, барибир инсониятнинг чорак қисми қашшоқлик ва очлик билан кун кечирмоқда. Технологик ёндошувлар илгарилақ кетаётган бир пайтда глобал муаммолар учрамоқда. Экология шуни таклиф этадики, бу муаммоларни одини олиш ва қисқартириш учун озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлашга эришишни таъминлайди, бу билан ёқилғи, тола ва чорвачиликка бўлган эҳтиёжни қондириш устида фаолият олиб боради.⁴

⁴ Mijung Kim and C. H. Diong (Eds.), *Biology Education for Social and Sustainable Development*, 51–60. © 2012 Sense Publishers.

1990 йилларда Осиёда асосий қизиқиши биотадбиркорликда кучайдики, бу жараён биотехнологиядаги шиддатли ривожланишлар эвазига фармацевтиканы ривожланиши ва асбоб-анжомларни ишлаб чиқаришни ҳам тезлаштириб юборди. Ҳақиқатан ҳам, кўпгина мамлакатлар бирламчи кириш ютуқларини хавфсизлигини таъминлаб олишди ва ютуқ чегаралари белгиланиб олинди, ушбу рақобатбардошлилик катта ҳажмдаги кўп миллийликни ташкил этадиган компаниялар ва индустраллашган мамлакатларда ўз аксини топди. Сингапур каби мамлакатларда асосий капитал кўп миллиардли инвестицияларни киритиш орқали бошқарилди, бу эса биомедицина секторларини ривожланишига олиб келди. Gurinder S. Shahi нинг (2004, Pearson Education South Asia Pearson.) “Осиёда биотадбиркорлик” деган китобида кўпгина Осиё мамлакатларида биотадбиркорликнинг яхши ривожланмаганлиги қайд этилади. Осиёдаги молиявий инқироз 1996-1997 йилларда бошланиб, ҳанузгача давом этмоқда, баъзи ҳолатларда янги корхоналарнинг зарурлиги талаб этилади. Таиландда Қироллик оиласида озиқ-овқат дастури ўз-ўзини эҳтиёжини қондириш орқали юз берган; *Малайзияда* миллий режалар ишлаб чиқилган, бу эса қишлоқ хўжалигини юритишга асосланган. *Хитойда* эса бу жараён халқнинг ҳаётий даражасидан келиб чиқкан ҳолда иқтисодий ўсиш давом этади ва бу озиқ-овқат, тола ва ёқилғи масаласини кафолатланганлиги билан боғланади. Охирг чўкки сифатида гавдаланадиган нефтьнинг баҳоланиши Осиё бозорларида иқтисодиётнинг гуллаб яшанашига таъсир кўрсатади, кейинроқ эса "bioscience" корхоналарида харажат қопланиши юз берди (Teng, 2007a). 2008 йил бутун дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлиги глобал тусдаги ўзгариш орқали пайдо бўлди (Escaler, Teng & CaballeroAnthony, 2010). Илмий ва омабоп мақолаларда катта ҳажмдаги товарлар нархининг ўсиши буғдой,

гуруч каби маҳсулот турларида кўзга ташланади ва нарх-наво кўтарилади (19-25 апрель 2008 йил, Иқтисодий журнал). Въетнам ва Ҳиндистон гуручни экспорт қилишни тўхтади. Жаҳон акцияси шуни кўрсатадики, буғдой нархи охирги ўн йилликда жуда пасайиб кетади, Озиқ-овқат ва Қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ огоҳлантирганки, бунда Осиё мамлакатлари иқтисодиётда ҳеч бир режа ишлаб чиқармаса, 20 йил давомида буғдой импортчисига айланади FAO, U.N. -- <http://www.fao.org/Ag/magazine/9809/spot1.htm>). Осиё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги шундай ечиладики, бунда озчилик фермерлар учун ажратилган ерларнинг ҳажми кичик бўлсада, мобиллашганлик ва ишлаб чиқариш воситаларининг, яъни янги технологияларнинг киритилиши ва такомиллашиши билан боғлиқ бўлади. Осиё мамлакатларида янги қишлоқ хўжалигини юргазиш замонавий биоилмий билимлар билан сугорилган энг охирги биология ва экология ютуқлари билан боғлиқ, бу кўпроқ миллионлаб фермерларнинг маҳсулотларни янги технология асосида ишлаб чиқарилишига қаратилади. Осиё мамлакатларида “bioscience” орқали иш юритиш барқарор ривожланишга олиб келади. Биологик ва экологик билимларни ўзлаштириш ва унинг тадқиқот намуналарини қўллаш инсоният эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиласди.⁵

2000 йилда Хитой ислоҳатлашган таълим тизимини амалга оширди, бунда иқтисодиёт ва жамият ривожланиши орқада қолмаслиги керак эди. Бу ислоҳатлашган тизим икки қадамни ўз ичига олган: биринчиси, 2000 йилда

⁵ 1. Amershi, S., Arksey, N., Carenini, G., Conati, C., Mackworth, A., Maclarens, H. & Poole, D. (2005) Fostering student learning and motivation: an interactive educational tool for AI. *Tech. Rep. TR-2005-06*, University of British Columbia.
2. Ball, J., Capanni, N. & Watt, S. (2007). Virtual reality for mutual understanding in Landscape planning. *International Journal of Human and Social Sciences* 2(2), 78–88.
3. Boese, M.J., Sheng, H. & Salam, M.A. (2009) Evaluating the use of 3D visualisation technology in geology education. AMCIS 2009 Proceedings, Paper 7. <http://aisel.aisnet.org/amcis2009/7> accessed 28/02/2011.
4. Bunch, R. L. & Lloyd, R. E. (2006) The cognitive load of geographic information. *The Professional Geographer* 58(2), 209–220.

оригинал ўкув дастури ва режаларини ўзгартериш, ва иккинчиси, 2001 йилда ўкув дастурлари ва стандартларини ривожлантириш ва ишга тушириш.

Таълимни ислоҳ қилишнинг бешта миссияси ажратилади:

1. Ўкув режаси талабага мос келиши керак, бу эса талабанинг билим, малака ва қўникмаларини оширади, талабанинг ўкув фаолиятини яхшилайди ва ўзини тутишга ёрдам беради.
2. Ўкув режаси баланслашган ва интеграциялашган бўлиши зарур, бунда турли предметлар ва амалиётлар, лойиҳалашган ўкув таркиби 1-12-синфларда ўз аксини топиши зарур. Танлов курслари мактаб шароитидан келиб чиқиб, талабаларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга мослашган бўлиши зарур.
3. Курс мазмуни ва айниқса, илмий предметлар янгиланган бўлиши зарур.
4. Фаол ўрганиш ва масалаларни ечиш талабаларнинг пассив ўрганиши ва хотирада сақлаб қолишга асосланган билими ўз акини топади.
5. Талабалар билимини баҳолаш талабалар баҳоси ва таълим мақсади ўртасида тенглашган бўлиши зарур.

Хитой 1949 йилдан таълимнинг марказлаштирилган тизимини қабул қилган. Бу таълимнинг марказлаштирилган тизими миллий ўкув режасининг К 12 мактаби учун характерланади. Янги ўкув режа марказлаштирилган ўкув режадан узоқлашади ва уч даражали ўкув режасини амалга оширишни мақсад қилиб олади: миллий, локал ва мактаб, шу билан бирга ушбу режани локал соҳа, мактаб ва талабаларга боғлаб мослаштириш зарур. Марказлашган тизимдан номарказлашган тизимдаги ўкув режасига ўтиш, аввало 3 даражадаги бошқарув орқали амалга оширилади, маҳаллий иқтисодиёт ва маданият хусусиятларига мослашган бўлишлик талаб этилади ва шундай қилиб, талабалар билим олиш стилини ва талабаларни

шахсий ривожланишини юзага келтиради.⁶

Хитойда 12 йиллик умумий таълим 1-6 синфгача (даражагача) бошланғич, 7 синфдан (даражадан) 9 синфгача (даражагача) ўрта, 10-синфдан (даражадан) 12 синфгача (даражагача) юқори даражадаги синфларни ўз ичига олади. Бошланғич даражада биология мазмуни илмий предметлар билан ажратилған. 7, 8, 10 ва 11 даражаларда эса биология күпчилик мактабларда ўқитилилади. Биология таълими ўрта ва юқори мактаб учун йўналтирилади. Биологиянинг ичида табиатни севишга боғлиқ бўлимлар (экология соҳаси) қайд этилган. Кўпчилик ўқитувчилар факат битта предметни ўқитишади. Биология ўқитувчилари университетларда биология кафедраларида фаолият юритишади. Демак, хориж тажрибасида бошланғич синфларда ҳам экологик билимлар асосий ўрин эгаллайди.

2.2. Экология фанини ўқитишда интерактив мультимедиа воситалари.

Таълим жараёнида интерактив воситаларнинг қўлланилиши, айниқса экология соҳасида муҳим саналади. Интерактив мультимедиа воситалари компьютердан ўрин олган турли комбинацияланган яъни графика, товуш, матн ва видеодан иборат бўлади (Newhouse, 2002). Кўргазмали қурилмалар таълим жараёнида кўплаб имкониятларни бериб лойиҳалаштириш бирон нарсанинг аниқ тасвирини яратишда ва стратегик симуляция қилишга имкон беради (Bunch ва Lloyd, 2006). Шунингдек, улар реал вақтда самарали бўлиши мумкин бўлган ечимларни ҳосил бўлишига асос бўлади, бу каби қурилмаларнинг афзаллиги уларнинг кенг тарқалганлиги, қулайлиги ва соддалигидир (Nicholson-Cole, 2005). Одатда уларнинг уч тури характерланади (Kalawsky, 1993; Yusoff *et al.*, 2010):

⁶ Хўжаназаров Ў.Э., Мухамеджанова Д., “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” дарслиги, ТДПУ, Т.: 2016 йил.

- тўлиқ виртуал 3D бўлиб, мутлақо реалликни таминлайди;
- қисман виртуал бўлиб, бунда вазият билан қисман танишиш имконияти берилади;
- ҳаракатсиз бўлиб, бунда кузатувчи мониторда одддий расмни кўради.⁷

